

**Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари
иттифоқ қилган ҳадислар / 169-ҳадис**

169 – عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: كُنْتُ أَصُومُ الدَّهْرَ وَأَقْرَأُ الْقُرْآنَ كُلَّ لَيْلَةٍ، قَالَ: فَإِنَّمَا كَثُرْتُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَإِنَّمَا أُرْسِلَ إِلَيَّ فَأَتَيْتُهُ، فَقَالَ لِي: «أَلَمْ أُخْبِرْ أَنَّكَ تَصُومُ الدَّهْرَ وَتَقْرَأُ الْقُرْآنَ كُلَّ لَيْلَةٍ؟» فَقُلْتُ: بَلَى، يَا نَبِيَّ اللَّهِ، وَلَمْ أُرِدْ بِذَلِكَ إِلَّا الْحَيْرَ، قَالَ: «فَإِنَّ بِحَسْبِكَ أَنْ تَصُومَ مِنْ كُلِّ شَهْرٍ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ»، قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَإِنَّ لِرِزْوَجِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَلِرِزْوَجِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَلِحَسْبِكَ عَلَيْكَ حَقًّا»، قَالَ: «فَصُمْ صَوْمَ دَاوُدَ نَبِيِّ اللَّهِ – صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ –، فَإِنَّهُ كَانَ أَعْبَدَ النَّاسِ»، قَالَ: قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، وَمَا صَوْمُ دَاوُدَ؟ قَالَ: «كَانَ يَصُومُ يَوْمًا وَيُفْطِرُ يَوْمًا»، قَالَ: «وَأَقْرَأُ الْقُرْآنَ فِي كُلِّ شَهْرٍ»، قَالَ: قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي كُلِّ عَشْرِينَ»، قَالَ: قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي كُلِّ عَشْرِ»، قَالَ: قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي كُلِّ سَبْعٍ، وَلَا تَزِدْ عَلَيَّ ذَلِكَ، فَإِنَّ لِرِزْوَجِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَلِرِزْوَجِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَلِحَسْبِكَ عَلَيْكَ حَقًّا»، قَالَ: فَشَدَّدْتُ، فَشَدَّدَ عَلَيَّ. قَالَ: وَقَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّكَ لَا تَدْرِي لَعَلَّكَ يَطُولُ بِكَ عُمْرٌ». قَالَ: فَصِرْتُ إِلَى الَّذِي قَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمَّا كَبُرْتُ وَدِدْتُ أَنِّي كُنْتُ قَبِلْتُ رُحْصَةَ نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

[خ 1131، م 1159، ت 770، س 1630، د 1388، جه 1331].

1. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Мен йил бўйи рўза тутиб, ҳар кеча Қуръонни ўқиб чиқар эдим. Ё мени

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтишибди, ёки ўзлари менга одам юбордилар, хуллас у зотнинг хузурларига бордим. У зот менга шундай дедилар: **«Менга хабар қилинишча, сен йил бўйи рўза тутиб, ҳар кеча Қуръонни ўқиб чиқар эмишсан?»**. Мен: «Шундай, эй Аллоҳнинг Набийси! Лекин буни фақат яхши ният билан қилдим», дедим. У зот: **«Ҳар ойда уч кун рўза тутсанг ҳам етарди»**, дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. У зот: **«Ахир хотинингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, зиёратчингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, жисмингнинг ҳам сенда ҳаққи бор. Сен Аллоҳнинг Набийси Довуднинг - соллаллоҳу алайҳи васаллам - рўзасини тут, чунки у одамларнинг энг обиди эди»**, дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Довуднинг рўзаси қандай эди?» дедим. У зот: **«У бир кун рўза тутиб, бир кун оғиз очик бўлар эди»**, дедилар. У зот: **«Қуръонни ҳар ойда бир ўқиб чиқ»**, дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. У зот: **«Унда ҳар йигирма кунда ўқиб чиқ»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. **«Унда ҳар ўн кунда ўқиб чиқ»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. У зот: **«Унда уни ҳар етти кунда ўқиб чиқ, лекин бундан зиёда қилма, чунки хотинингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, зиёратчингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, жисмингнинг ҳам сенда ҳаққи бор»**, дедилар». Абдуллоҳ: «Мен қаттиқ туриб олган эдим, менга яна ҳам қаттиқлаштирилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳтимол умринг узоқ бўлишини билмассан, дедилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга айтган нарсалари бўлди. Ёшим улғайгач, қани эди Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рухсатларини қабул қилсам экан, деб орзу қилдим», дедилар.

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVIIDLARI